



Илмий – амалий конференция
материаллари

**ИЛМ - ФАН
ВА
ИННОВАЦИЯ**

Карши

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

КАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯ

**Илмий-амалий конференция
материаллари**

Карши
“Карши давлат университети” нашриёти
2017

ЁШЛАРДА ҚАДРИЯТЛИ МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИ ҚАРОР ТОПТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

*Таълим-тарбия назарияси ва методикаси
йўналиши магистранти: Оллокулова Ф.
Илмий раҳбар: проф. Шодиев Р*

Инсоннинг камолотга етганлик даражаси унинг жамиятда тутган ўрни ва уни қанчалик билгани, ўзини жамиятнинг ажраимас кисми эканлигини қанчалик хис этиганилиги билан белгиланади. Шундагина инсон ўзининг қадр-қиммати ҳалк-нинг, миллатнинг қадр-қиммати билан нечоғлик боғлиқ эканлигини, жамиятда, юз бераётган воқеаларга дахидорлигини англайди. Ҳар доим юртнинг эртанги куни, унинг кедажаги бўлган ёш авлод таълим-тарбияси энг муҳим ва асосий вазифалардан бири хисобланиб келган. Ёшларни ҳар томонлама билимли, замонавий техника-технологиялардан хабардор, чукур тафаккур эгаси қилиб тарбиялаш нечоғлик муҳим масала саналса, уларни она ватанга муҳаббат, аждодлар меросига ҳурмат, ўтмиш меросимизни асраб авайлаш, уларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсевар, жонкуярлилик руҳида тарбиялаш ҳам ҳамма даврларда шарқ таълим тарбиясида асосий ўрин эгаллаган. Зотан, бугунги кунда униб ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясида қадриятли муносабатларни шакллантира олсак ва уни тарбиямизнинг асосий мақсадига айлантирсак, баркамол авлодни тарбиялашда маълум бир қадам ташлаган бўлар эдик. Шу ўринда савол тугулиши табиий: Қадриятлар ва қадриятли муносабат деганда нимани тушунамиз?

“Қадр (арабча міқдор, ўлчов, ўлчов даражаси). 1. Жамиятда, кишилар ўртасида тутган ўрин, ўзгалар томонидан бўлган ҳурмат, этибор. 2. Ҳаётда тутган ўрин, аҳамият, муҳимлик ҳолати³.

Қадрият - воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий, маънавий аҳамиятини

³ „Ўзбек тилининг изоҳли лугати“. А.Мадвалиев умумий таҳрири остида.207-бет

кўрсатиш учун қўлланадиган тушунча. Қадрият табиий ва ижтимоий ҳаётда намоён бўладиган, кишилар қадрлайдиган ва улар учун манфаатли, фойдали, ижобий аҳамиятли табиий, индивидуал ва ижтимоий эҳтиёжни қондиришга хизмат киладиган, моддий-иқтисодий, маданий-маънавий, мафкуравий ва сиёсий омиллар йигиндиси ҳисобланади.

Шарқда хусусан ўзбек миллатида бошқа халқ ва эзлатларда учрамайдиган шундай хусусиятлар мажмуи мавжудки, бугун бутун жаҳон афкор оммаси бу ўзимизга хос ва мос миллий қадриятларимизни эътироф этмоқдалар. Хусусан, Xерлер Шарқ Европанинг муаллимиdir деб бежизга айтмаган эди. Катталарни хурмат қилиш, кичикларга иззатда бўлиш, оила, ота-она ва фарзандлар тўгрисида гамхўрлик қилиш, миллатидан қатъий назар очик юз ва очик кўнгиллилик, одамларга хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлиш, меҳмоннавозлик, куюнчаклик, меҳр-оқибатли бўлиш азал азалдан бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган шарқона фазилатлардир. Бола дунёга келар экан энг аввало у оиласда сўнг таълим-тарбия масканида таҳсил олади, барча ҳаётий билимларни ўзлаштиради. Айни шу даврда хусусан инсон умри давомида оладиган информатсиянинг 70 фоизини эгаллами И.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч асосида асосланган: “...инсон умри давомида оладиган барча инфор-матциянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олар экан⁴. Ваҳолангки, шу давр қадриятли муносабатлар ўриатиладиган даврдир. Бунда боланинг теварак атрофдаги кишилари ўзлари астойидил билим бермасаларда аммо уларга ўрнак намуна бўлиб, уларни тарбиялайдилар, хусусан, эрта тонгдан туриб юз қўл ювишимиз, теварак атрофни сарамжон саришта қилиб, ховли кўча куйга сувлар сепишимиз, уйқудан уйғонган ҳар бир оила аъзосига очик юз ва ширин қалом билан салом беришнимиз, дастурхон бошида катталар келмасидан нонушта килинмаслиги, чойни сузганда қўлимиз кўксимизда туриб узатишнимиз, катталар кўзига тик бўқмаслик буларнинг барчаси бирор дастур асосида амалга оширилмайдиган ҳолатдир (ушбу ҳолат

⁴И.Каримов „Юксак маънавият-енгилмас куч“ 53-бет.

бошқа халқларда кам учрайди). Бу катталар намунаси орқали беихтиёр ёш авлодда шаклланади ва у миллат менталитетига хос бўлиб, миллий қадриятларимиздандир. Ёшларнинг турмуш тарзида, рухиятида, маънавий-ахлоқий қадриятларни шаклланишда, оилани, маҳаллани ва таълим масканини ҳам ўзига хос ўрни бўлиб, унда тарбия мукаммал ва тизимли равишда бериб борилади. Энг аввало, фарзанд дунёга келар экан, у тугулган муҳит оила унинг тарбиясида асосий ўринни эгаллайди. Соглом ва мустаҳкам оила тушунчasi ҳар бир миллатга хос бўлиб, унда соглом наслни, жисмоан бакувват, рухи, фикри соглом, иймон эҳтиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур ватанпарвар, оиласпарвар, фарзандлар, бола тарбиясига катта эътибор берадиган авлодни ахлоқий шакллантиришни назарда тутилади. Бунда инсон ўзига тегишли барча инсоний-ижтимоий билимлар билан қуролланади. Энг аввало ўзини, ўзлигини танийди, атрофдаги-ларга нисбатан, дунёга, ҳаётга нисбатан қарашлар тизими шаклланади. Бу албатта бевосита ота-оналар, ва айниқса, оиласининг ёши улуғ инсонлари томонидан сингдириб шакллантириб борилади. Инсон оиласда қадриятли муносабатлар тизимиға илк қадамни кўяр экан, ёши улгайган сари унинг тафаккури, ақл-идроқи, дунёқараш асослари таркиб топиб, мураккаб ижтимоий, индивидуал характер хусусиятлари вужудга кела бошлайди.

Яна бир ҳеч қаерда учрамайдиган маскан борки – маҳалладир. Маҳалла - қадриятлар бешиги. Маҳаллада қарор топган маънавий-рухий соглом муҳит жамоат аъзоси бўлган ёшлар тарбиясига катта таъсир кўрсатиб, уларда меҳнатсеварлик, ҳамжихатлилик, ватанпарварлик, инсонийлик, бағрикенглик, масъулиятлилик ва шу кабилардек қадриятли муносабатлар тизимини қарор тоғтиришга ўзининг хиссасини қўшади.

Бу жараёнларни тизимли, ижтимоий - иқтисодий, маънавий - маданий сиёсий-хукукий билимлар билан биргаликда юксалтириш, баркамол шахсни тарбиялашдек масъулиятли вазифа умумий ўрта таълим мактаби зиммасига юкланди. Бу даврга келиб болага тарбиявий таҳсир йўллари бир мунча аниқ ва тизимли равишда бўлиб қолади. Чунки энди болалар қадриятли муносабат мазмунига асосланган фан асослари

билин танипшиб борадилар. Болалар аста-секин нима яхши-ю, нима ёмон эканлигини, бунёдкорлик нима-ю, вайронкорлик нима, ижобий ва салбий хислатлар қандай эканлигини, қандай фазилатларга эга бўлиш лозим-у, қандай кусурлардан холи бўлиш лозимлигини англай бошлайдилар. Бунда инсон нафакат фан асослари қолаверса, тарбия асослари билан ҳам куролланади. Айни тарбия тизимида олинган билимлар қадриятли муносабатларни мустахкамлаб такомиллаштиради.

Ешларимиз ўз халқи, мамлакатининг тарихини, миллий маданий меросини, қадриятларини қадрлаши, ўзига хослигини йўқотмаслиги, умуминсоний, умуммиллий, миллий қадриятларга содиклик ва уни хаётий фаолиятнинг бир қисмига айлантиришлари лозим.

Хулоса килиб айтадиган бўлсак, ёш авлод қадриятли муносабатларни ўрганишлари, ўрнатишлари ва уларни ўзларидаги шакллантиришлари ҳамда ривожлантиришлари керак, улардан ўз ўрнида фойдалана олишлари ҳам лозим.

Адабиётлар:

1. Юксак маънавият-енгизмас куч. И.А.Каримов. -Т.: Маънавият 2008 й.
2. Умуммиллий қадриятлар ва ёшлар тарбияси таълимтарбиянинг муаммоси сифатида. Шодиев Р.Д, Ҳайтова Й., ҚарДу хабарлари 4(26) 2015 100б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. А.Мадвалиев умумий таҳрири остида. 207 б.

BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINI MA'NAVIY BARKAMOL INSON RUHIDA TARBIYALASHDA ERTAKLARNING AHAMIYATI

*Maktabgacha va boshlang'ich ta'lif kafedrasi
o'qituvchisi: M.Kazakova*

Mustaqil Vatanimizda ta'lif-tarbiya ishlariga alohida e'tobor qaratilgan. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining IX sessiyasida qabul qilingan «Ta'lif to'g'risida» gi Qonun va

13	<i>Ochilov A., Jorliyev F., Kamolov L.</i>	Silikogel va polietilen asosida qiyin yonuvchi polimer kompozitsion birikma sintezi	44
14	<i>Амиркулов Ж.</i>	Азизиддин Насафий комил инсон рухий олами ҳақида	47
15	<i>Файзиев З.</i>	Спортчиларни турли мусобақага тайёрлашнинг физиологик жиҳатлари ва психологияк воситалари	50
16	<i>Jabborov I.</i>	O'spirinlarning (16-18 yosh) o'z-o'zini anglashi va psixologik xususiyatlari	54
17	<i>Кулматова С.</i>	Психологияк хизматнинг назарий асослари	56
18	<i>Абдуназорова Н.</i>	Мактабгача таълим муассасаларида миллий ғояни болалар онгиға сингдиришнинг айрим усуслари	59
19	<i>Ражабова Ф.</i>	Оиласий қадриятлар шакланишининг психологик омиллари	60
20	<i>Oloqulova F., Eshmurodova G.</i>	Qomusiy allomałarimizning ta'limgarbiya sohasidagi qarashlari	63
21	<i>Ниёзкулов М., Шодиев Р.</i>	Бошланғич синф ўқувчиларида креатив тафаккурни самарали ривожлантиришнинг педагогик шартлари	67
22	<i>Олжокулова Ф., Шодиев Р.</i>	Ёшларда қадриятли муносабатлар ва уларни қарор топтиришнинг ўзига хослиги	71
23	<i>Kazakova M.</i>	Boshlang'ich sinf o'quvchilarini ma'naviy barkamol inson ruhida tarbiyalashda ertaklarning ahamiyati	74
24	<i>Алмурданова М.</i>	Дикқат ва ихтиёрий дикқатни таркиб топтиришнинг психологик аспектлари	77
25	<i>Ashirova S., Oripova N.</i>	Qadriyatlar va shaxs tafakkurining o'zaro bog'liqligi	80
26	<i>Yuldashev S., Bobomurodov K.</i>	Boshlang'ich sinflarda geometrik elementlarni o'rgatish metodikasi	83
27	<i>Ashirova S., Eshmurodova G.</i>	"Maktabgacha ta'limg" yo'nalishi talabalarini ijtimoiy-pedagogik faoliyatga tayyorlashning o'ziga xos jihatlari	86
28	<i>Saidov M.</i>	Pedagogik ta'limgotlar sarchashmasi va uni o'qitish texnologiyasi	89
29	<i>Usmonova D., Sohibov A.</i>	Umumiy o'rta ta'limg maktablarini axborot va ta'limg texnologiyalari vositasida boshqarishning mazmuni	91